

ТАЪЗИЯ

ТАЪЗИЯ

إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ



12:04 / 01.07.2020 2163

«Hilol NASHR» нашриёт-матбаа мажмуаси ҳамда Islom.uz портали жамоаси устоз Абдулғаффор домла Сманов Шокир ўғлининг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Аллоҳ таоло марҳумнинг Ислом йўлида қилган хизматлари учун ажру савобларни кўпайтириб берсин. Барча солиҳ амалларини ўзларига ҳамроҳ айлаб, Ўзининг шомил мағфирати ва раҳматига олсин.

Ушбу мусибат дамларида марҳумнинг аҳли байтига Аллоҳ таолонинг қазои қадарини розилик ила қарши олган чинакам мўминларнинг мақомини сўраймиз, ҳақларига дуо қилиб, самимий ҳамдардлик билдирамиз.

Маълумот ўрнида шуни қайд этиш керакки, устоз Абдулғаффор домла Сманов 1970 йил февраль ойида Туркистон вилоятининг Сарιοғоч туманида таваллуд топганлар. 1990-94 йилларда Тошкент вилоятида, Бекобод шаҳридаги «Маърифат» мадрасасида диний таълим олдилар.

Сўнгра 1994 йили «Таяқты Эшан» масжидининг бош имом-хатиби лавозимида фаолият юритиб, ушбу масжид ёнидаги мадрасада илм аҳлларига устозлик қилдилар.

2010 йилдан 2016 йилгача Сарιοғоч мадрасасининг директор муовини, 2016 йил декабрь ойидан бошлаб эса директори лавозимларида фаолият

олиб бордилар.

Устоз Абдулғаффор домла Шокир ўғли Қозоғистон Республикасида Ислон динининг ривожига салмоқли ҳисса қўшган устоз олимлардан ҳисобланади. ДБК Республика ахборот-ташвиқот гуруҳининг аъзоси сифатида юртимизнинг бир қатор ҳудудларида бўлиб, жамоатчилик билан учрашган ва Ислон динининг тарғиботчиси бўлганлар.

Парвардигоримиз марҳумни Ўзининг раҳмати ва мағфиратиға буркасин, ортларида қолган аҳли байтлари ва фарзандларига сабру салвон берсин!

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!

«Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз У Зотга қайтувчимиз».

Islom.uz портали таҳририяти